



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

2014 йил 3 ФЕВРАЛЬ, ДУШАНБА


№ 23 (12.584)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг 2013 йилги фаолияти якунлари ва истиқболдаги вазифаларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.



«ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ»: ЯНГИ ЛОЙИҲАЛАР ТАТБИҚ ЭТИЛМОҚДА

Темир йўллар Ўзбекистон транспорт тизимида муҳим ўрин тутди. Мамлакатимизда йўловчи ва юк ташиш ҳажмининг катта қисми айнан темир йўл транспорт улушига тўғри келади.

2013 йил якунларига кўра, «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг маҳаллий йўналишлар бўйича юк ташиш ҳажми 63,7 миллион тонна ёки 2012 йилги кўрсаткичга нисбатан 103,5 фоизни ташкил қилди. Ўтган йили 8,3 миллион тонна транзит юк ташилди. Мамлакатимиз темир йўллари орқали ташилган экспорт ва импорт товарлар умумий ҳажми 18,5 миллион тонна бўлди. Йўловчи ташиш ҳажми эса 18,5 миллион киши ёки 2012 йилга нисбатан 107,9 фоизни ташкил этди.

«Ўзбекистон темир йўллари» компанияси вакиллари-

нинг сўзларига кўра, келажакда бу кўрсаткичлар янада ортади. Президентимизнинг 2010 йил 21 декабрда қабул қилинган тегишли қарори билан тасдиқланган 2011-2015 йилларда инфратузилмани, транспорт ва коммуникация қурилишини ривожлантиришни жадаллаштириш дастури бу борадаги ишларда муҳим омил бўлмоқда.

«Ўзбекистон темир йўллари» темир йўл транспортининг барча соҳаларида юқори малакали кадрлар, катта илмий, моддий-техник база, лойиҳа ва қурилиш қувватлари, халқаро ҳамкорлик бўйича бой тажрибага эга мамлакатимиздаги энг йирик компаниядир. Янги магистрал йўллар қуриш, мавжуд темир йўл тармоғини модернизация қилиш, электровозлар паркинни янгилаш компания фаолиятининг устувор йўналишларидан.

Хусусан, «Ўзбекистон темир йўллари» ўтган йили умумий қиймати 47,3 миллион долларга тенг ўн битта электровоз харид қилди. Ушбу электровозлар CNTIC консорциуми – Далянь электровозсозлик заводи (ХХР) томонидан етказиб берилди.

2011-2013 йилларда тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюм ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни чуқурлаштириш дастури доирасида ўтган йили ҳаётга татбиқ этилган 20 лойиҳа компания эришган катта ютуқлардан бири бўлди. Бунинг самарасида компаниянинг таркибий бўлиmlари томонидан қиймати 288,7 миллиард сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, 1,1 мингдан зиёд янги иш ўрни ташкил этилди.

(ЎЗА)

Ўзбекистон Республикаси Олий судида умумий юрисдикция судларининг 2013 йил давомида одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолияти натижалари ҳамда истиқболдаги устувор вазифаларга бағишланган кенгайтирилган раёсат йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Олий суд судьялари, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоят ва унга тенглаштирилган судлар раислари иштирок этди.

Судлар томонидан 2013 йилда қўрилган жиноят ишлари сони 2012 йилга нисбатан 1,5 фоизга камайди. Айрим жиноят турлари, хусусан, ўғирлик,

Ўзбекистон Республикаси Олий судида НАТИЖАЛАР ВА УСТУВОР ВАЗИФАЛАР

гиёҳвандлик воситалари билан қонунга хилоф равишда муомала қилиш, ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш, қасддан баданга шикаст етказиш, талончилик каби жиноятлари учун судланганлик кўрсаткичлари ҳам камайди.

Ярашув институтининг самарали қўлланилиши натижасида 12 минг нафардан ортиқ, мазкур институт амалиётга жорий қилинганидан буён эса 150 мингдан зиёд шахс жиноий жавобгарликдан озод этилди.

Мажлисида суд ишларини ўз вақтида ва сифатли кўриб чиқишда соҳага замонавий ахборот-коммуникация технологиялари кенг жорий этилаётганига алоҳида эътибор қаратилди. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг

электрон судлов ахборот тизими ишлаб чиқилди. Мазкур тизим фуқаролик ишлари бўйича Зангиота туманларда судида синовдан ўтказилди.

Ўтган даврда ушбу тизим орқали икки мингга яқин суд буйруғи бериш тўғрисидаги ариза электрон шаклда келиб тушди ва суд томонидан электрон шаклда кўриб чиқилди. Лойиҳа доирасида «E-SUD» электрон судлов ахборот тизимининг даъво ва шикоят тартибиде иш қўришга мўлжалланган қисмлари ақинда синовдан ўтказилди. Бундан ташқари, 2014 йилнинг охирига қадар мазкур тизимнинг апелляция, кассация ва назорат тартибиде ишларни қайта қўришга мўлжалланган қисмларини ишлаб чиқиш режалаштирилган.

(Давоми 2-бетда)

«ЎЗБЕКИСТОН МОДЕРНИЗАЦИЯ ВА ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ ЙЎЛИДАН БОРМОҚДА»

Илгари хабар берилганидек, халқаро экспертлар уюшмаларининг вакиллари ҳам Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирмоқда.

Энн Де Пап, Гент университети ректори (Бельгия), профессор:

— 2013 йили Ўзбекистон ижобий натижаларни қўлга киритгани у сўнгги йиллар давомида иқтисодий жиҳатдан кучли давлат қуриш ҳамда дунёнинг тараққий топган мамлакатлари қаторидан жой олиш йўлида ҳаётга татбиқ этган чора-тадбирларнинг тўғри эканлигини яққол тасдиқлайди.

Таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар ва ўсиб келаётган ёш авлод масалаларига қаратилаётган эътибор Ўзбекистоннинг бундан кейинги тараққиётига ҳам мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилади. Республиканинг таълим жабҳасида қўлга киритган муваффақиятларидан хабардор бўлганим ҳолда шунини айти оламанки, Ўзбекистон олий ўқув юртлари жиҳозланиш даражаси жиҳатидан Европа олий таълим муассасалари билан рақобатлаша олади.

Университетимиз Ўзбекистон олий ўқув юртлари билан ўзаро ҳамкорлики ривожлантиришдан манфаатдордир. Ўзим ҳам турли соҳаларда юқори малакали мутахассисларни биргаликда тайёрлаш ишига баҳоли қудрат ҳисса қўлишга тайёрман.

Жан Бланкофф, эксперт, Брюссель эркин университетининг фахрий профессори:

— Ўзбекистонда ҳам иқтисодий жиҳатдан, ҳам замонавий технологиялар ривожини нўҳтаи назаридан катта салоҳият бор.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон ўз ривожланиш йўлини аниқ белгилаб олган мамлакат сифатида халқаро муносабатларнинг тенг ҳуқуқли субъектига айланган. Ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий соҳаларда муваффақиятли қарорларнинг қабул қилиниши, энг аввало, олдинги қўйилган мақсадларга эришишда мавжуд имкониятлар тўғрисидаги олинганнинг самарасидир.

Президент Ислам Каримов етакчилигида узокни кўзлаган ички ва ташқи сиёсат юритилмоқда. Бугун мамлакат ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва жамиятни янада демократлаштириш йўлидан бораётир. Ўзбекистон фаол равишда миллий саноатни ривожлантираётган, ўз бюджетининг салмоқли қисmini таълим тизими, илм-фан ва соғлиқни сақлаш соҳаларининг тараққиёти учун йўналтирмоқда.

«Жаҳон» АА,
Брюссель



• Нукусда 2013 йил якунлари ва Қорақалпоғистон Республикасини 2014 йилда иқтисодий барқарор ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган фаоллар йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда эришилган ютуқлар билан бирга йўл қўйилган камчиликлар ҳам атрофлича таҳлил этилди, уларни бартараф этиш юзасидан тегишли вазифалар белгиланди.

• Навоий вилоятининг Кармана туманида чорвачиликни ривожлантиришнинг қонунчилик асослари, ҳолати, муаммолари ва истиқболлари мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология қўмитаси, халқ депутатлари вилоят Кенгаши ҳамда қатор ташкилотлар, фермер ҳўжаликлари ҳамкорлигида ўтказилган тадбирда вилоятда чорвачиликни ривожлантириш, соҳага оид қонунчиликнинг ижросини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар хусусида сўз юритилди.

• Термиз шаҳрида Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши ижроия қўмитаси, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси вилоят ҳудудий бошқармаси, вилоят адлия бошқармаси ва фермерлар кенгаши ҳамкорлигида «Ўзбекистонда фермерлик ҳаракатини янада ривожлантириш ҳамда аграр соҳа тармоқларини модернизация қилишнинг долзарб масалалари: бугунги ҳолат, таклиф ва тавсиялар» мавзусида амалий мулоқот ўтказилди.

• Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати чегара қўшинларининг Жиззах вилоятидаги ҳарбий қисмларидан бирида ҳарбий хизматчилар учун чегара пости мажмуаси ва янги уй-жой фойдаланишга топширилди. Замонавий услубда қурилган ўйларга 16 нафар ҳарбий хизматчи оиласи билан кўчиб ўтди.



• Мексикада грипп эпидемияси авжига чиққанлиги сабабли аҳолини гриппга қарши эмлаш ишлари кенгайтирилди. Маълумотларга қараганда, бугунги кунга келиб ушбу мамлакатда 850 минг киши эмланган бўлиб, метро, аэропорт ва бошқа жамоат жойларида аҳолига тиббий хизмат кўрсатилмоқда. Шунга қарамай, жорий йилнинг ўтган даврида 250 киши ушбу хасталик оқибатида ҳаётдан кўз юмди. Касалланганларнинг 2 минг нафари чўчка гриппи (H1 N1)га чалинган.

• Янги Зеландияда истиқомат қилувчи Грант исмли шахс океанда акуланинг ҳужумидан ўзини ҳимоя қилишга муваффақ бўлди. Гап шундаки, у ўткир пичоғини ишлатгани ҳолда нафақат ақула ҳамласидан қутулиб қолди, балки кирғоққа чиқиб ўзига тиббий ёрдам ҳам кўрсата олди.

• Ултой Республикасининг Усть-Кокса тумани ҳудудидан оқиб ўтувчи Кокса дарёсига йўловчи автобуснинг кулаб тушиши оқибатида битта йўловчи ҳалок бўлган, 14 киши шифохонага жойлаштирилган. Маълумотларга қараганда, автоҳалокат ҳайдовчининг тезликни меъёридан ортиқ оширганлиги боис рўй берган.

• АКШнинг Калифорния штатидаги шифохоналардан бирида 28 ёшли Ванесса Сервантес фарзандли бўлди. Қизиқарли томони шундаки, чақалоқнинг вазни 6 килограмм 860 грамм, бўйи эса деярли 61 сантиметрни ташкил этади. Маълумотларга қараганда, у 2014 йилда АКШда дунёга келган энг катта чақалоқ сифатида рўйхатга олинган.

ҚИСКА САТРАЛДАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан ёшлар

камолотида жисмоний тарбия ва спортнинг ўрни ва уни янада ривожлантириш истиқболларига бағишланган илмий-амалий анжуман ўтказилди.

✓ **ЭРТАГА** Р.Глиэр номидаги республика иختисослаштирилган мусиқа ва академик лицейида «Бугун театр ва томошабин» мавзусида тадбир

бўлиб ўтади.

✓ **ЭРТАГА** Тошкент тиббиёт коллежида «Гиёҳвандлик аср вабоси» мавзусида давра суҳбати ташкил этилади.

Тошкентда «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази муассисларининг йиғилиши бўлиб ўтди, дея хабар беради ЎЗА.

Унда «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази муассислари вакиллари, жамиятшунос-лар, иқтисодчилар, сиёсатшунос-лар, журналистлар ва бошқалар иштирок этди. Тадбирда марказнинг 2013 йилги фаолияти билан боғлиқ масалалар ва яқин истиқболдаги режалари муҳокама этилди.

Президентимиз Ислам Каримов томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида таъкидланганидек, фуқаролик институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳозирги кунда демократик қадриятлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим омилига айланмоқда, фуқароларнинг ўз салоҳиятини рўйбга чиқариши, уларнинг ижтимоий, социал-иқтисодий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш учун шaroит яратмоқда, жамиятда манфаатлар мувозанатини таъминлашга кўмаклашмоқда, шунингдек, жамоатчилик ва фуқаролик назорати институти жамиятнинг давлат билан ўзаро самарали алоқасини таъминлаш, одамларнинг кайфиятини, мамлакатда кечаётган ўзгаришларга муносабатини аниқлашнинг муҳим воситаларидан бири бўлмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 1997 йил 25 июнда қабул қилинган «Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида»ги Фармонида мувофиқ ташкил этилган «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази бу жараёнда муҳим ўрин тутди. Мар-

каз томонидан ўтказилаётган ижтимоий тадқиқотларнинг асосий мақсади фуқароларимизнинг барча соҳаларда амалга оширилаётган ислохотларни қўллаб-қувватлаш ҳақида нафақат давлат ва нодавлат ташкилотлар, балки аҳоли кенг қатламларини ҳам хабардор қилишдан иборат. «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази директорининг

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИНГ КЎЗГУСИ

ўринбосари, профессор Озод Отамирзаев шу ҳақида сўз юритди.

Тадбирда марказ ташкил этилганидан буён жамиятимиз ҳаётидаги ўта муҳим масалалар бўйича 330 га яқин мақсадли ижтимоий тадқиқот ва сўров ўтказилгани таъкидланди. Мазкур тадбирларда мамлакатимизнинг барча вилоятларидан қарийб 7 мингта махалла қамраб олинди.

Президентимиз томонидан Обод турмуш йили, деб эълон қилинган 2013 йил «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази учун ҳам самарали бўлди. Ўтган йилги илмий тадқиқотлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси линияси бўйича давлат илмий-техник дастурларини ишлаб чиқиш доирасида ўтказилди. Хусусан, «Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантириш шароитида жамоатчилик фикрини ўрганиш ва шакллантириш услубини такомиллашти-

риш муаммолари» мавзусида фундаментал тадқиқот ва «Ўзбекистон жамиятини модернизация қилиш жараёнида жамоатчилик фикрини ўрганиш бўйича амалий ижтимоий тадқиқотлар: назария, услублар, амалиёт» мавзусида тадқиқот ишлаб чиқилди.

2013 йилда марказ томонидан «Ўзбекистон ёшлари: ҳаётини позиция, маънавият, ижтимоий мақсадлар», «Ўзбекистон – кўп миллатли мамлакат», «Оила ва маънавият» мавзуларида кенг қўламли ижтимоий тадқиқотлар ўтказилди. «Суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотлар жамоатчилик фикри нигоҳида», «Жамият ва оммавий ахборот воситалари: фикрлар, эҳтиёж, афзалликлар, рейтинг», «Одам савдосига қарши кураш жамоатчилик фикри нигоҳида», «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида», «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови» ва бошқа мавзуларда

мақсадли ижтимоий тадқиқотлар ўтказилди.

Ўтган йили марказ илмий-услубий ишлар яратиш ва мутахассислар тайёрлашга ҳам алоҳида эътибор қаратди. Қатор комплекс ижтимоий тадқиқотларни ташкил этиш бўйича илмий тадқиқотлар дастурлари, услубий ишланма ва воситалар қўриб чиқилиб, тасдиқланди. Бундан ташқари, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университети билан ҳамкорлик тўғрисидаги шартномага биноан «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази ҳузурида жамиятшунослик кафедраси филиали ташкил этилди. Бу ерда жамиятшунослик бўлими талабалари ишлаб чиқариш ва диплом амалиётини ўташи, маърузалар тинглаши ва «Амалий ижтимоий тадқиқотлар» курсида амалий машғулотларда иштирок этиши мумкин.

Йиғилиш иштирокчилари марказнинг 2014 йилги лойиҳалари билан ҳам танишди.

Меҳрибон МАМЕТОВА

НАТИЖАЛАР ВА УСТУВОР ВАЗИФАЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда)

Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 4 октябрда қабул қилинган «Туман ва шаҳар умумий юрисдикция судлари фаолиятини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида асосан қўшимча равишда фуқаролик ишлари бўйича 12 туманлараро (туман) суди тузилиб, судьяларнинг кўпайтирилгани фуқаролар ҳуқуқ ва манфаатлари муҳофазасини кучайтиришда муҳим қадим бўлди.

Судья кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишга давлатимиз томонидан жиддий эътибор қаратилаётгани ҳам шу мақсадга хизмат қилмоқда. Бу борада қўйлаётган айрим талаблар 2014 йил 21 январда

матбуотда эълон қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунда ўз ифодасини топти. Қонунга мувофиқ, эндиликда туманлараро, туман (шаҳар) суди, ҳужалик судларининг судьялиги лавозимига илк бор тайинланаётган шахслар учун ёш цензи 25 ёшдан 30 ёшга кўтарилди. Юридик ихтисос бўйича ўрнатилган уч йиллик меҳнат стажы беш йил қилиб белгиланди. Судьяликка номзодлар учун ёш цензининг кўтарилгани ва иш стажы муддатининг оширилиши ҳамда уларнинг касб тайёргарлигига бўлган малака талаблари кучайтирилгани катта ҳаётий тажриба ва касбий билимга эга бўлган шахсларнинг судья

бўлиб тайинланишига замин яратади.

Йиғилишда соҳага оид қабул қилинган қонун ҳужжатлари моҳияти ва уларнинг ихтисоси, амалга оширилган ишлар билан бир қаторда судлар томонидан йўл қўйилган камчиликлар ҳам атрафлича муҳокама этилди. Судья ва суд ходимларининг масъулиятини, касб маҳорати ва малакасини янада ошириш масалалари юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди. Зеро, одил судловни амалга оширишда судьялар томонидан қонуний ва адолатли суд қарорлари қабул қилиниши суд ҳокимиятининг обрў-эътиборини ошириб, аҳолининг унга бўлган ишончини янада мустаҳкамлайди.

Мажлисида муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Норгул АБДУРАИМОВА,
ЎЗА мухбири

Бугунги кунда ўсиб келаётган ёш авлоднинг келажакда малакали мутахассис бўлиб етишиши йўлида юртимизда барча шарт-шароитлар яратилган. Биз ёшлардан фақатгина ўқиш, ўрганиш талаб этилмоқда холос. Ҳозирги тезкор ахборот асрида кўп билимларга эга бўлишимиз биз учун қўйилган энг асосий талаблардандир.

Қарор ва ижро

ЯНГИ ЎҚУВ ДАСТУРЛАРИ АСОСИДА

Айниқса, ҳозирги кунда чет тилларини пухта эгаллашни истовчи ёшларнинг сони кундан кунга ортиб бормоқда: Зеро, жаҳон цивилизацияси ютуқлари ҳамда дунё ахборот ресурсларидан кенг қўламада фойдаланиш, халқаро ҳамкорлик ва мулоқотларни ривожлантириш учун хорижий тилларни мукамал билиш шарт.

Юртбошимизнинг 2012 йил 10 декабрда қабул қилинган «Чет тилларини ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида жойларда ишчи гуруҳлари ташкил этилган бўлиб, улар мактаб, коллеж, академик лицей ўқувчиларининг хорижий тил борасидаги билимларини янада ошириш мақсадида янги ўқув дастурларини ишлаб чиқишмоқда. Барча илм берувчи масканлар энг сўнгги жиҳозлар, лингафон хоналари билан таъминланиб, ўқитувчиларнинг ҳам малакалари ошириб борилмоқда.

Чет тили ўқитувчилари замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ўқитишнинг илгор услубларини жорий этиш йўли билан ўсиб келаётган ёш авлоднинг чет тилларига ўқитиш, хорижий тилларда эркин сўзлаша оладиган мутахассислар тайёрлашни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйганлар. Жумладан, биз тахсил олаётган Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети Халқаро журналистика факультетида ҳам хорижий тилларни ўқитиш бўйича янги усуллар қўлланиб келинмоқда. Факультетимизда инглиз тилини мукамал ўрганишимиз учун лингафон хоналари мавжуд. Қисқа қилиб айтганда, илм олишимиз учун яратилган барча имкониятлардан биз талабалар унумли фойдаланиб келмоқдамиз ва барчамиз келажакда касбимизнинг етуқ мутахассислари бўлиб етишишга ҳаракат қиламиз.

Дилафруз ИБРАГИМОВА,
ЎЗДЖТУ Халқаро журналистика факультети талабаси



«CHEVROLET SPARK» — ЭНГ ҚУЛАЙ АВТОМОБИЛЬ

«Chevrolet Spark» русумидати автомобиль «компакт» гуруҳидаги энг қулай транспорт воситаси дея эътироф этилди.

АҚШ йўл ҳаракати хавфсизлиги институти (IIHS) краш-тести ҳулосаларига кўра, ўн битта шу тоифадаги моделлар ичида Ўзбекистоннинг оммабоп автомобили «Chevrolet Spark» йўловчиларни йўл ҳаракати ҳодисаларидан энг яхши ва ишончли сақлар экан. Маълумки, ушбу русумдаги автомобиллар мамлакатимизда «GM-Uzbekistan» қўшма корхонаси томонидан ишлаб чиқарилади.

Экспертлар бир овоздан бу автомобилга Top Safety Pick+ даражасини беришди. Бинобарин, шу жиҳати учун ҳам Ўзбекистонда ҳар бешта автомобиль бошқарувчидан бири «Chevrolet Spark»ни танлашмоқда.

Таъкидлаш лозимки, автомобилга ҳайдовчи томонидан 25 фоиз кенгликдаги қоплама ўрнатилган биринчи компакт-кар сифатида тан олинди. «Chevrolet Spark» билан бирга ушбу краш-тестда «Mazda», «Toyota», «Honda», «Hyundai» ва бошқа автомоделлар ҳам иштирок этди.

«Туркистон-пресс»

Танловлар

СОҒЛОМ БОЛА — КЕЛАЖАК ПОЙДЕВОРИ

«Ёшлик» талабалар шаҳарчасида доимий равишда талаба-ёшларни турмушга тайёрлаш, «Соғлом она — соғлом бола» концепциясини тарғиб этиш борасида кўпгина тадбирлар ўтказиб келинмоқда.

Кўрик-танлов шартларига кўра ўқувчи-қизлар «Мен ўзбек қизиман» мавзусида ўз иқтидорларини, «Менинг қизиқшиларим, чексиз» шiori остида ижодий салоҳиятларини кўрсатишди, «Соғлом бола — соғлом келажак» номи остида миллий урф-одатларимизни акс эттирувчи композиция тақдим этишди, кейинги шартларга кўра оиланинг мустаҳкамлигини таъминловчи омиллардан ҳисобланган пазандачилик қобилиятларини намоён этишди. Кўрик-танловнинг яна бир аҳамиятли томони

шундаки, бундай тадбирлар натижасида тенгдошлар орасида дўстлик ришталари шаклланади, ўзаро ҳурмат кучаяди, шунингдек, ёшлар ўртасида соғлом бола юрт келажаги эканлигини ҳис қилган ҳолда шукроналик туйғуси жўш уради.

Қизқарли тарзда ўтказилган тадбир якунида турли номинациялар бўйича голиблар аниқланиб, уларга ташкилотчилар томонидан диплом ва қимматбаҳо совғалар тақдим этилди.

Ҳабиба ЙЎЛДОШЕВА

ҲАМКОРЛИК ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНМОҚДА

Пойтахтимизда Ўзбекистон – Буюк Британия ҳамкорлигига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди. У Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллигининг мамлакатимиздаги элчихонаси томонидан ташкил этилди.

Бирлашган Қироллиكنинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Жорж Эдгар мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларнинг ривожини, 2013 йилда икки томонлама ҳамкорлиكنинг турли йўналишларида эришилган ютуқлар, амалга оширилган лойиҳалар ҳақида батафсил маълумот берди.

Ўзбекистон билан Буюк Британия ўртасидаги ҳамкорлик барча соҳаларда изчил ривожланмоқда. Хусусан, савдо-иқтисодий ҳамкорлики, икки мамлакат ишбилармонлари ўртасидаги алоқаларни кенгайтириш мақсадида ташкил этилган Савдо ва саноат бўйича Ўзбекистон – Буюк Британия кенгаши мажлислари мунтазам ўтказиб келинмоқда. Мамлакатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми муттасил ошиб бораётди. Ўзбекистонда британиялик сармоядорлар билан ҳамкорликда тузилган тўрт юздан зиёд корхона, Буюк Британиянинг юзга яқин фирма ва компанияси ваколатхоналари фаолият юритаётди.

Буюк Британия билан Ўзбекистон ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқалар улкан салоҳиятга эга, — деди Жорж Эдгар. — Ўзбекистонда британиялик кўплаб сармоядорлар узоқ йиллардан буён муваффақиятли бизнес юритиб келмоқда. 2013 йилда Навоий вилоятида «Nationwide Technologies» компанияси томонидан минерал ўғитлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган завод ишга туширилди ва тайёр маҳсулотлар экспорти йўлга қўйилди. Тоғ-кон саноатида ихтисослашган «Rio Tinto» компанияси Наманган вилоятида геология-қидирув ишларини олиб бормоқда. Тобора ривожланаётган Ўзбекистон бозорига Британия компанияларининг сони ошиб бораётгани бизни гоат қувонтиради. Ўзбекистоннинг минтақадаги муҳим жуғрофий ҳолати, бой табиий ресурсларга, қулай сармоявий муҳитга эга экани кўплаб давлатлар, жумладан, Буюк Британия сармоядорлари учун ҳам истиқболли ҳамкорликка йўл очаётди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Буюк Британия Парламенти билан ҳамкорлик бўйича гуруҳи ҳамда Буюк Британия Парламентининг «Британия – Ўзбекистон» умумпартиявий гуруҳи ўртасида имзоланган аниқлаш меморандуми мамлакатларимиз ўртасида парламентаризм соҳасидаги ҳамкорлики янада кенгайтириш, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий муносабатларни тараққий

этиришга катта ҳисса қўшаётди. Ўзбекистон билан Буюк Британия ўртасида таълим соҳасидаги ҳамкорлик ҳам изчил ривожланиб бораётгани, 2013 йилда бу борада қатор лойиҳалар амалга оширилгани қайд этилди. Президентимиз Ислам Каримовнинг 2012 йил 10 декабрда қабул қилинган «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ инглиз тилини ўрганиш борасида амалга оширилаётган ишларда Британия Кенгаши фаол иштирок этмоқда.

Анжуманда мамлакатларимиз ўртасида савдо-иқтисодий, ҳуқуқий, маданий-гуманитар каби турли соҳаларда амалга оширилган лойиҳалар ва уларнинг самаралари, ушбу йўналишлардаги ҳамкорлик муносабатларининг истиқболлари ҳақида ҳам сўз юритилди.

Матбуот анжуманида журналистларни қизиқтирган барча саволларга жавоб қайтарилди.

Ирода УМАРОВА,
ЎЗА мухбири

Тошкент шаҳар ҳокимиянинг ҚАРОРИ

ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМИНИНГ 2013 ЙИЛ 20 СЕНТЯБРДАГИ 740-СОНЛИ ҚАРОРИГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

Тошкент шаҳрида 2013/2014 йил қиш-баҳор мавсуми учун асосий турдаги қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини захирага ғамлаш ишларини ташкил қилиш, Тошкент шаҳар аҳолисини қиш-баҳор ойлари давомида арзон ва сифатли қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари билан таъминлаш ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлиги Иқтисодиёт ва ижтимоий ривожлантириш масалалари мажмуасининг 2013 йил 18 ноябрдаги 03-1791-сонли хатини инобатга олиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:


1.Тошкент шаҳар ҳокимиянинг 2013 йил 20 сентябрдаги «Тошкент шаҳрида 2013/2014 йилларда қиш-баҳор мавсуми учун асосий турдаги қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини захирага ғамлаш ишларини ташкил қилишга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги 740-сонли қарорининг 1-илоvasи иловага мувофиқ янги тахрирда баён қилинсин.

2.Мазкур қарор «Тошкент оқшом» ва «Вечерний Ташкент» газеталарида расман эълон қилинсин.

3.Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Тошкент шаҳар ҳокимиянинг ўринбосари Ф.Зияев ҳамда Савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси ва халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш департаменти раҳбари Р.Абдумажитов зиммасига юклатилсин.

Тошкент шаҳар ҳокими
Р.Усманов

2013 йил 26 ноябрь



ЎЗБЕКИСТОН «VAKANTIEBEURS 2014» ХАЛҚАРО САЙЁХЛИК АНЖУМАНИДА

Яқинда Голландиянинг Утрехт шаҳрида «Vakantiebeurs 2014» халқаро сайёхлик ярмаркаси бўлиб ўтди. Европанинг энг йирик ва нуфузли тадбирларидан бири ҳисобланадиган «Vakantiebeurs 2014» халқаро анжуманида 200 дан зиёд миллий ташкилот, дунёнинг 80 дан ортиқ мамлакатда фаолият кўрсатадиган сайёхлик фирмалари ва авиакомпаниялар иштирок этди.

Утрехтда мамлакатимизнинг сайёхлик салоҳияти Нидерландиянинг «VNC Asia Travel», «Djoser», «Baobab Reisen», «Eurocult Lito Reisen», «Koningaars», «Tiara Tours», «Sunita Travel» ва «BCD Travel» сингари йирик компаниялари томонидан намойиш этилди. Маълумки, голландиялик сайёхлар Буюк Ипак йўлида жойлашган Ўзбекистоннинг бетақор тарихий шаҳарларига катта қизиқиш билан қарашди.

Юқорида санаб ўтилган компаниялар вакиллари «Жаҳон» ахборот агентлиги мухбири билан бўлиб ўтган суҳбат чоғида Ўзбекистоннинг бой меъморий ва маданий мероси, халқнинг урф-одат ва анъаналари сайёхларда унутилмас таассуротлар қолдираётганини маълум қилдилар.

«VNC-Asia Travel» сайёхлик компанияси директори Киис Ван Гален Бенилюкс мамлакатлари вакиллари, хусусан, Нидерландия аҳолиси томонидан Ўзбекистонга бўлган қизиқиш йил сайин ортиб бораётганини қайд этди.

Ярмарканинг биринчи кунлик жорий йилда юртингиз бўйлаб саёҳатга чиқиш юзасидан жуда кўп мурожаатлар бўлди, — деди у. — Бу йил Германиялик шериклар билан ҳамкорликда ташкил қилинадиган янги саёҳат турини мижозлари-мизга тақдир этмоқдамиз. Саёҳат барча қўлайликларга эга бўлган темир йўл поездлари воситасида амалга оширилади.

«Tiara Tours» компаниясининг тижорат ишлари бўйича директори

Керенс де Ваан ҳозирги глобаллашув замонида, қолаверса, сайёхлик соҳасидаги рақобат тобора кучайиб бораётган бир шароитда Ўзбекистон ўзининг бой салоҳиятини муваффақият билан намойиш этиб келаётгани эътиборга сазовор эканлигини айтди.

— Ўзбекистон бугунги кунда минтақанинг энг илгор сайёхлик маркази ҳисобланади, — деди у. — «Tiara Tours» томонидан эксклюзив сайёхлик тури ишлаб чиқилди. У. ЮНЕСКО Умумжаҳон мероси рўйхатидан жой олган нобъ меъморий ёдгорликлар билан танишиш ҳамда экотуризмнинг қўлай ва жозибадор йўналишларини ўз ичига олади. Ишончим комилки, «Vakantiebeurs 2014» халқаро сайёхлик анжуманида Ўзбекистоннинг муносиб иштироки Бенилюкс мамлакатларидан юртингизга борадиган сайёхлар сонининг янада ошишига хизмат қилади.

«Djoser» сайёхлик компанияси менежери Харно Диккен ҳам Ўзбекистоннинг диққатга сазовор жойлари европалар саёҳат иштирокчилари ўртасида тобора оммалашиб бораётганини эътироф этди.

— Кейинги йиллар мобайнида Ўзбекистонда сайёхлик индустрияси жабҳасида эришилган муваффақиятлар, яъни хизмат кўрсатиш даражасининг ошгани, инфратузилманинг такомиллашгани, малакали соҳа мутахассислари фаолият кўрсатаётгани компаниямиз тўропараторлари томонидан мамнуният билан қабул қилинмоқда.

«Жаҳон» АА

Ёз фаслида Сардорнинг цехида иш қайнайди. Шундай иш тигиз кунларнинг бирида цехдаги жуда зарур анжуманинг трансформатори қуйиб қолди. У дарҳол электрик бўлиб ишлайдиган таниши Бойматга қўнғироқ қилди.

Бир оздан сўнг Боймат ўзи билан бирга трансформаторнинг «тили»ни тушунадиган Михаилни бошлаб келди.

— Бунди устакхонага олиб бориб таъмирлаш лозим. Агар рози бўлсангиз, олиб кетамиз, — деди у Сардорга қараб.

Шундан сўнг улар трансформаторни «Дамас» машинасига ортишиб, Михаил кўрсатган Баротнинг устакхонасига олиб боришди.

— Ака, илтимос, иложи борича тезроқ қўриб, тузатиб беринг. Ишимиз тўхтаб қолмасин, — дея устакхонага Сардор.

— Бу ёғидан кўнглингиз тўқ бўлсин. Узоғи билан икки кун ичида тузатиб қўяман, — деган жавобдан сўнг улар хотиржам хайрлашди.

Михаил сўзининг устидан чиқадиган одам экан. Икки кундан сўнг ростдан ҳам Сардорга қўнғироқ қилиб, трансформаторни олиб кетиши мумкинлигини айтди. У дарҳол устакхонага югурди. У ерда уни Барот кутиб олиб, деди:

— Хизмат ҳаққига 1.300.000 сўм беринг-да, товарингизни олиб кетаверинг.

— Кечирасиз. Менда ҳозир бунча пул йўқ. Майлими, бўлиб-бўлиб тўласам.

— Ҳозир борича бериб кетаверинг. Пулларнинг ҳаммасини берганингиздан сўнг трансформаторни олиб кетасиз.

Жиноят жазосиз қолмайди

ҚИНФИР ИШНИНГ ҚИЙИФИ

Сардор бир ой ичида 750.000 сўм пулларни Баротга олиб келиб берди.

Орадан бир оз вақт ўтгач, қолган 550.000 сўм пулларни ҳам олиб устакхонага борди.

— Трансформаторингизни Михаилнинг ўзи олиб кетди. Агар менинг гапимга ишонмасангиз, телефон орқали ундан сўрашингиз мумкин, — деди Барот мижозига бамайилхотир қараб.

Сардор дарҳол Михаилга қўнғироқ қилиб, қолган пулларни ҳам олиб келганини, трансформаторини қайтариб беришини сўради.

— Ҳозир мени вақтим йўқ. Икки кундан сўнг учрашганимизда гаплашамиз, — дея у гўшақни қўйиб қўйди.

АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА

Учтепа туманидаги «Нишабериқ» маҳалласида тумандаги 26-оилавий поликлиника томонидан маҳалла мутасаддилари билан ҳамкорликда бирламчи тиббий-санитария ёрдами ва репродуктив саломатлик масалаларига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Унда маҳалла фаоллари ва маслаҳатчилари, ёшлар, хотин-қизлар қўмитаси вакиллари, профилактика инспекторлари иштирок этишди. Тадбирда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2013 йил 17 майдаги «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами мутасаддилари билан ҳамкорликда кўрсатилаётган профилактика тўғрисида» ҳамда 2013 йил 13 ноябрдаги «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами тизими фаолиятини тубдан яхшилаш чоратадбирлари тўғрисида»ги буйруқлари талабларидан келиб чиқиб, аҳолининг репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш, ҳудудлар ҳолатининг санитар ва гигиеник жиҳатдан барқарорлигини таъминлаш, соғлом авлодни камол топтириш масалалари юзасидан амалга оширилаётган ишлар хусусида батафсил маълумот берилди.

Шунингдек, оилада соғлом муҳитни шакллантиришда никоҳланувчиларни тиббий қўриқдан ўтказишнинг аҳамияти, унинг мустақам оила барпо этишнинг муҳим шарти ва гарови эканлиги таъкидланди.

Тумандаги «Пахтакор», «Дегрез», «Шофайзоб», «Нишабериқ», «Шарқ юлдузи», шунингдек, «Кўкча-Оқтепа» ва «Боғи чинор» маҳаллаларининг бир қисми бизнинг оилавий поликлиникамизга бириктирилган, — дейди 26-оилавий поликлиника бош шифокори Сурайё Холматова. — Мазкур ҳудуддаги барча фуқароларга, хусусан, унда жойлашган олтита мактабгача таълим

муассасаси тарбияланувчилари, тўртта мактаб, битта касб-ҳунар коллежи ўқувчилари ҳамда Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети талабаларига 14 нафар шифокор ва 65 нафар ҳамширалар тиббий хизмат кўрсатиб келмоқда. Клиник лаборатория, физиотерапевтик, флюорографик жихозлар, замонавий УЗИ, рентген аппаратлари билан жиҳозланган поликлиникамизда хирург, стоматолог, лор, окулист, гинеколог, кардиолог, логопед сингари ўнлаб малакали мутахассислар халқимиз сийҳат-саломатлиги йўлида хизмат қилмоқда.

Таъкидлаш керакки, 2008 йилда тўлиқ таъмирдан чиққан ва қайта жиҳозланган ушбу поликлиника ходимлари маҳаллалар билан узвий боғлиқликда иш олиб бормоқда. Унинг ҳудуддаги дорихона, фитобар ҳам мунтазам фаолият юритади.

Янги 2014 йил оиламизга катта қувонч олиб кирди. Янги йил қирар чоғида биз фарзандли бўлдик, — дейди Дониёр Эргашев. — Учинчи фарзандимизнинг соғлом бўлиб дунёга келишида 26-оилавий поликлиника шифокорлари, участка ҳамшираларининг беминнат хизмати бор. Мунтазам шифокор кўригидан ўтиб, ўз вақтида эмлатганимиз учун айна дамда кичимизнинг соғлом ва тетик. Поликлиникадаги ширинсўз ва тажрибали шифокорлар кўрсатаётган тиббий хизматлардан жуда мамнунмиз.

Дилшод
РЎЗИҚУЛОВ

Мурувват

ЭЗГУЛИК НАВОЛАРИ ЯНГРАДИ

Шаҳримиздаги Халқаро Вестминстер университетида «Эзгулик наволари» номли хайрия концерти бўлиб ўтди.

Халқаро Вестминстер университети Тошкентда ташкил топганига 12 йил тўлиши муносабати билан уюштирилган хайрия концерти талабалар бирлашмаси ҳамда Гематология илмий-текшириш институти ҳамкорлигида ташкил қилинди.

Шу кунги тадбир иштирокчилари қизқарли концерт дастуридан ўрин олган ўзбек ва жаҳон эстрадаси дурдоналарини мароқ билан тинглашди.

Ушбу хайрия тадбиридан тушган маблағ ўткир лимфобласт лейкоз билан касалланган болаларнинг даволанишига сарфланиши режалаштирилган. Хайрия кечасида фаол иштирок этган талабаларга университет маъмурияти томонидан фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари топширилди.

Камола РЎЗИЕВА

Куни кеча бўлиб ўтган «Жамият ва мен – 2013» танлови журналистларни қўллаб-қувватлашга қаратилган бўлиб, у юртимизда матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларининг меҳнатини қадрлаш, уларнинг иш самарадорлигини ошириш ва рағбатлантиришга алоҳида эътибор берилётганидан далолатдир.

Танловлар

ЁШ ЖУРНАЛИСТЛАР ЭЪТИБОРДА

Мазкур танлов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги ва Журналистлар ижодий уюшмаси билан ҳамкорликда республикадаги босма ва интернет нашрлар, ахборот агентликлари журналистлари ва фотожурналистлари, шунингдек, журналистика йўналиши бўйича таълим олаётган талабалар ўртасида ўтказилган бўлиб, мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ислохотларни янада чуқурлаштириш жараёнини босма оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини ташкил этиш, журналистларнинг жамиятдаги фаоллигини ошириш, уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилган танловга жамият учун муҳим аҳамиятга эга, мамлакатимизда турли соҳалардаги ислохотларнинг бориши, жамият фаол аъзолари ташаббусларини бирлаштириш, фуқаролик жамияти институтлари фаолияти, тадбиркорлиқни ривожлантиришга йўналтирилган дастурларнинг амалдаги ижросига қаратилган ижодий ишлар қабул қилинди.

Танлов доирасида «Давлат томонидан ОАВнинг иқтисодий эркинлиги ва молиявий барқарорлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ислохотлар» мавзусида давра суҳбати ҳам ўтказилди.

Ушбу танловга 2 мингдан зиёд материаллар тақдим этилган бўлиб, шулардан 10 та йўналиш бўйича номинациялар ғолиблари аниқланди. Бунда 7 та йўналиш бевосита журналистларнинг турли соҳаларга ихтисослашуви билан боғлиқ бўлса, қолган 3 таси журналистикада энг нозик соҳалардан бири бўлган — журналистик текширув масалаларига бағишланган.

Қувонарли томони шундаки, соҳага эндигина кириб келаётган ёш журналистлар учун ҳам алоҳида номинациялар бўйича танлов ўтказилди. Фикримизнинг исботи сифатида Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультети талабаси Камола Файзуллаеванинг «Ил дебют» номинацияси бўйича тақдирланганлигини айтиб ўтишимиз мумкин.

Камолиддин ХАМДАМОВ,
ЎЗМУ журналистика
факультети талабаси

Тадбирлар

ИЖОД ГУЛШАНИДА

Ўзбекистон Давлат Миллий кутубхонасида ўзининг бетақор асарлари билан ўзбек адабиётида чуқур из қолдирган адиб Ўлмас Умарбеков таваллудининг 80 йиллигига бағишланган адабий-бадиий кеча бўлиб ўтди. Ушбу хотира кечасида Ўлмас Умарбековнинг ҳаёти, ижоди, яратган асарлари ҳақида сўз борди.

Адабий кечада Боровский номидаги тиббиёт коллежи ўқувчилари, мазкур кутубхона ходимлари ва китобхоналар иштирок этдилар.

Тадбирда шоир Шукр Курбон, ёзувчи Эркин Усмонов, журналист Муҳаммад Абдусаматовлар сўзга чиқиб адибнинг серрирра ижоди, асарларининг мазмун-моҳияти, воқеаларнинг реал ёритилиши ва унинг бугунги ёш авлодга маънавий ғоятлари хусусида мулоҳазали фикр юритдилар.

Тадбир доирасида ёшлар Ўлмас Умарбековнинг ибратли ҳаёт йўли ва ўлмас асарлари ҳақида ўзларини қизиқтирган саволларига батафсил жавоб олдилар.

Ноҳира РЎЗИЕВА,
Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари
университети талабаси

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«Respublika mulk markazi» ЁАЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич охири бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақдир этди!

Савдога «Нодавлат электрон оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш Жамоат Фондини» 2014 йил 20 январдаги IV/7-сонли буюртма хатига асосан нодавлат нотижорат ташкилотга тегишли, Тошкент шаҳри М.Улуғбек тумани, Хамид Олимжон майдони ғарбий томонида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари тақдоран қўйилмоқда:

1. «Дамас» русумли, д/р 01/266УАА бўлган, 2004 йил и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 24 402 300 сўм.

2. «Матиз» русумли, д/р 01/094АВА бўлган, 2007 йил и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 20 898 100 сўм.

Аукцион савдоси 2014 йил 17 февраль куни соат 12:00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати: 2014 йил 14 февраль куни соат 18:00.

Автотранспорт воситалари 2014 йил 17 февраль куни сотилмаган тақдирда, тақдорий савдолар 2014 йил 24 февраль ва 3 март кунлари соат 12:00 да ўтказилади. Аризаларни қабул қилиш: 2014 йил 24 февралдаги тақдорий савдолар учун 21 февраль куни соат 18:00; 3 мартдаги савдолар учун 28 февраль куни соат 18:00да тўхтатилади. Савдо ғолибига 10 иш кун ичида сотувчи билан олди-сотиш шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закатал пулини ОАИБ «Ипак йўли банки» Саёгон филиалидаги 2021000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850 х/рга тўлашлари шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1А-уй. Тел: 228-79-52. www.rtm.uz. Гувоҳнома №06231.

«КО» CHMAS MULK SAYDO XIZMATI» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич охири бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақдир этди! Савдога Олмазор тумани СИБ томонидан, Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 21.07.2011 йилдаги 10-117/7803-сонли, 09.03.2011 йилдаги 10-1008/21203-сонли, 16.05.2011 йилдаги 10-1114/4969-сонли икки варақасига асосан, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Уста Ширин 1-тор қўчаси, 254-уйда жойлашган ер участкасининг умумий майдони 481 кв.м., бино иншоотининг умумий майдони 979 кв.м., фойдаланиш майдони 832,15 кв.м. бўлган ерталуви, икки қаватдан иборат ерталуви маъмурий бино тақдоран қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 708 872 170,82 сўм.

Савдо 2014 йил 20 февраль куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати: 2014 йил 18 февраль куни соат 18:00.

Қўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закатал пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда «Ko» chmas Mulk Saydo Xizmati» МЧЖнинг «Ипак йўли банки» ОАИБ Саёгон филиалида 20208000904920609114, МФО: 01036, СТИР: 207122519 х/рга тўлашлари шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1А-уй. Тел: 228-79-52. www.1kms.uz. Лицензия: RR-0001.

Билдириш

«Тошкент оқшоми» газетасининг 2014 йил 30 январь кунги 21-сонида хабар қилинган Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Белтепа мавзеси, 16-уй, 68-хонадонда жойлашган уй-жойнинг аукцион савдоси Учтепа тумани Суд ижрочилари бўлимининг 2014 йил 30 январь кунги хатига асосан тўхтатилди.

«Capital Realtor Group» МЧЖ маъмурияти.

ФУҚАРОЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!

Фуқаро (ташкilot)ларнинг Тошкент шаҳар Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси ҳамда Ер тузиш ва қўчмас мулк кадастри хизмати ходимлари билан биргаликда ишлаш жараёнида, бошқарма ва хизмат ходимлари томонидан ноқонуний хатти-ҳаракатларга йўл қўйилишининг олдини олиш ҳамда бу каби ҳолатлар юзга келганда тезроқ чора-тадбирлар кўриш, юридик ва жисмоний шахсларнинг қонун билан ҳимояланган ҳуқуқ ва манфаатлари поймол бўлмаслигини таъминлаш, шунингдек, бошқарма ва хизмат фаолиятини янада такомиллаштириш юзасидан маълумотлар қабул қилиш мақсадида, юридик ва жисмоний шахслар билан тўғридан-тўғри алоқа ўрнатувчи «ишонч телефони» тизими жорий этилди.

Ишонч телефони рақами: 239-35-21. Тошкент шаҳар Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси раҳбарияти

Сайёрамизнинг барқарор ривожланишида сувли-ботқоқли ҳудудларнинг алоҳида ўрни бор. Бундай ҳудудлар ўзига хос флора ва фаунаси билан ажралиб туради. Шунингдек, бу ҳудудлар аҳолининг экологик соф озиқ-овқат ва бошқа истеъмол маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондиришда муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Шу боис сувли-ботқоқли ҳудудларни асраш долзарб вазифадир.

Қарор ва ижро

ЭКОЛОГИК БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛИДА

Жаҳон ҳамжамияти томонидан ушбу вазифаларга жамоатчилик эътиборини кенг жалб этиш мақсадида 1971 йил 2 февралда Эроннинг Рамсар шаҳрида халқаро конвенция имзоланди. Мазкур сана дунё миқёсида сувли-ботқоқли ҳудудларни муҳофаза қилиш кунини сифатида нишонланади. Бугунги кунда ушбу конвенцияга бир юз етмишга яқин мамлакат аъзо.

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида мамлакатимизда сувли-ботқоқли ҳудудларни муҳофаза қилиш ва ушбу табиий ресурслардан барқарор фойдаланиш масалаларига бағишлаб ташкил этилган давра суҳбатига шулар ҳақида сўз юритилди. Тадбирда давлат, жамоат ташкилотлари вакиллари, вазирлик ва идоралар мутахассислари, эколог олимлар, журналистлар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология қўмитаси аъзоси Х.Каримов, Ўзбекистон Табиати муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси ўринбосари К.Содиқов, Ўзбекистон Қўшларни муҳофаза қилиш жамияти раҳбари Р.Қашқаров ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида табиий ресурсларни муҳофаза қилиш, атроф-муҳитга инсон фаолияти таъсирини камайтириш, ноёб табиий ҳудудлардан оқилона фойдаланишга қаратилаётган эътибор ўз самараларини бераётганини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 27 майда қабул қилинган «2013-2017 йилларда Ўзбекистон Республикасида атроф-муҳит муҳофазаси бўйича ҳаракатлар дастури тўғрисида»ги қарори бу борадаги долзарб вазифаларни ҳаётга татбиқ этишда муҳим дастуруламал бўлмоқда.

Яна бир неча кундан кейин, аниқроғи 7 февралда Россия Федерациясининг Сочи шаҳрида XXII қишки олимпиада уйинлари байроғи кўтарилади. Ҳар тўрт йилда бир марта ўтказиладиган бу йирик халқаро мусобақа 23 февралга қадар давом этади.

Маълумки, қишки Олимпиадани ўтказиш ҳуқуқини Сочи 2007 йил 5 июлда қўлга киритганди. Ушанда Россиянинг Қора денгиз бўйидаги бу шаҳрига Зальцбург (Австрия) ва Пхёнчхан (Жанубий Корея) рақиблик қилганди. Ванкувер (Канада) даги XXI қишки Олимпиада ёпилаётган пайтда эса Сочининг мэри Анатолий Пахомов мусобақа байроғини Халқаро Олимпиада қўмитаси президенти Жак Роггедан қабул қилиб олганди.

Уша йиллик Олимпиада иншоотларини қуришга киришилди. Улар шундай режалаштирилдики, натижада қишки Олимпиада-2014 мусобақаси ўтказиладиган жойлар бири-бирига энг яқин бўлганлиги билан тарихда қолади. Жами 11 та йирик спорт иншооти барпо этилди. Улар ораси 48 километрни ташкил этадиган икки ҳудудда қад қўтарди. Ҳудудларнинг бири денгиз бўйида, бошқаси эса тоғлар бағрида бўлиб, янги қурилган темир йўл орқали ўртадаги масофани ярим соатда босиб ўтиш мумкин. Ҳар икки ҳудудда Олимпиада шаҳарчаси тикланган. Спортчилар ҳордиқ чикариладиган жойлардан мусобақа майдонларигача 5-15 дақиқа атрофида етиб бора оладилар.

Соҳил бўйидаги марказий объект Олимпиада боғи ҳисобланади. У бир вақтнинг ўзида бағрига етмиш минг одамни сиғдира олади. Боғ ичида нафақат спорт иншоотлари, балки яшил ҳудуд ва хизмат кўрсатиш тармоқлари ҳам жойлашган. Тоғлар орасида эса чанғида пойга ва биатлон мусобақалари ўтказиладиган «Лаура» ҳамда трамплинлардан сакраш мажмуалари, чана спорт ва тоғ чанғиси марказлари, шунингдек, экстрим-боғ барпо этилган.

Жорий йилда 2 февраль – жаҳон сувли-ботқоқли ҳудудларни муҳофаза қилиш кунини «Сувли-ботқоқли ҳудудлар ва қишлоқ ҳўжалиги: ривожланиш мақсадларида ҳамкорлик» шиори остида нишонланмоқда. Зеро, сув ҳавзалари қишлоқ ҳўжалиги учун муҳим обихаёт манбаидир.

Мамлакатимизнинг сув ҳавзалари ва сувли-ботқоқли ҳудудларида бир юз эллик турдаги сузувчи қушлар учрайди. Ушбу табиий ҳудудларни муҳофаза қилиш ва унинг захираларидан оқилона фойдаланиш, бу йўналишдаги илғор халқаро тажрибаларни ўзлаштириш мақсадида Ўзбекистон 2001 йилда сувли-ботқоқли ҳудудларни муҳофаза қилишга оид халқаро конвенцияга аъзо бўлди.

Мамлакатимизда мазкур йўналишдаги мажбуриятларни ўз вақтида бажариш юзасидан махсус дастур ва лойиҳалар асосида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Бунинг самарасида Бухоро вилоятидаги Денгизқўл ва Жиззах вилоятидаги Айдар-Арнасой қўллар тизимига халқаро миқёсда муҳофаза этиладиган ҳудуд мақоми берилди. Айни пайтда Қизилқум чўлининг жануби-ғарбий қисми, Тўдақўл ва Қўйимор сув омборларини Рамсар конвенцияси рўйхатида киритиш бўйича ишлар олиб боришмоқда.

Тадбирда мамлакатимизда сувли-ботқоқли ҳудудларни муҳофазалаш ва агробиохимла-хиликни сақлаш, сувли-ботқоқли ҳудудлар орнитофаунаси ва бундай ҳудудларда амалга оширилаётган экологик лойиҳалар, истикболдаги вазифалар, муҳофаза этиладиган янги ҳудудларни ташкил этиш ҳамда барқарор ривожланишга эришиш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Б.ХИДИРОВА,
ЎЗА муҳбири



2014 йил — Соғлом бола йили

ЖИСМОНИЙ КАМОЛОТ САРИ

Албатта, жисмоний тарбия ва спортни яхши йўлга қўймасдан бунга эришиб бўлмайди. Зеро, соғлом турмуш тарзининг спортдан бошланишини алоҳида таъкидлаб ўтишга ҳолат бўлмас керак.

Спортни кадрловчи тажрибали педагог Надежда Вдовина директор сифатида ушбу мактабда фаолиятини бошлаши билан бу ишларга алоҳида эътибор қаратди. Жумладан, душона ва кийиниш хонасида таъмирлаш ишлари амалга оширилди, спорт зали замонавий дизайн асосида бўёқдан чиқарилди, волейбол ва баскетбол билан шугулланиш учун анжомлар, тўплар олинди. Натижада мактабнинг спорт зали бутунлай янгича қиёфа касб этди. Бундан ташқари, ҳомийлар ёрдамида футбол майдони барпо этилди.

Бугунги кунда мактабда айниқса волейбол ўқувчи-қизлар ўртасида оммалашиб кетди. Машғуллотлар учта гуруҳга бўлинган ҳолда ўтказилмоқда. Жисмоний тарбия ўқитувчилари

ҳам ўз касбининг усталари, спортни жондиларидан севувчи халқаро тоифадаги спорт устаси Ойга Исоев ва Эркин Умаровлар топшириқлар ва юкломаларни оддийдан мураккабгача қараб берган ҳолда болалар маҳоратини аста-секин ошириб бормоқдалар. Тўп билан машқлар, баландликка ва узунликка сакраш, тўсиқлар оша югуриш бу борада жуда қўл келмоқда.

Болаларнинг жисмоний камолотида оқилона ёндашиш албатта ўз натижасини бермай қолмапти. Бинобарин, 79-мактаб спорт жамоаси ҳар йили турли мусобақаларда совринли ўринларни эгаллаб келмоқда. Жорий йилнинг ўзида «Умид ниҳоллари» мусобақаси дастури бўйича туманда биринчи ўринни эгаллашди.

Дилмурод ИСМОИЛОВ
СУРАТДА: 79-умумтаълим мактабнинг волейболчи қизлари
Алексей Попов олган сурат

Тадбирлар

ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИ

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ҳамда Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси ҳамкорликларида «Очиқ эшиклар кунини» тадбири ўтказилди.

Фавқулодда вазиятлар содир бўлганда аҳолига самарали ва тез ёрдам кўрсатиш, бемор ва ярадорларни кўтариш, ҳавфли ҳудуддан олиб чиқиш кетиш фавқулодда вазиятлар хизмати ходимларининг бевосита фаолияти доирасига кириши тадбир қатнашчилари томонидан яна бир қарра эслатиб ўтилди. Шу боис ҳам фавқулодда вазиятларда аҳолига кўмак берувчи ходимларнинг малакасини мунтазам равишда ошириш зарур эканлиги қатнашчилар томонидан таъкидлаб ўтилди. Тадбирда фавқулодда вазиятлар хизмати ходимларига соҳадаги бўғи янгиликлар ҳақида маълумот берилди.

Тадбир якунида ходимлар иштирокида амалий машғуллотлар ҳам уюштирилди.

Анвар ЙЎЛЧИЕВ

СОЧИДА ҚИШКИ ОЛИМПИАДА

Хоккей, фигурали учаш, коньки ва чанғида югуриш, биатлон ёки тоғ чанғиси — бу каби қишки спорт турларининг ўзига хос жазибаси ва қизқарли томонлари кўп. Мусобақалар қорда ёки музда, яъни бошқача шароитларда ўтиши билан ҳам кишини ўзига жалб этади. Ҳатто умуман қиш бўлмайдиган тропик мамлакатларда ҳам шу спорт турлари билан шугулланишни орзу қилганлар кўплиги фикримиз далилидир.

Аввалги қишки Олимпиадада нисбатан бу сафар дастурдаги спорт турлари ва айрим турдаги мусобақалар жами ўн иккитага кўпайган. Улар орасида аёллар учун трамплинлардан сакраш, фигурали учашда жамоавий беллашулар, чана спортдаги эстафета, биатлондаги аралаш эстафета ва бошқалар бор. Ана шуларни ҳисобга олсак, Сочидаги Олимпиада уйинларида 98 та медаллар тўплами ўз эгаларига топширилади.

Сўнгги маълумотларга кўра, ушбу мусобақаларга миллионга яқин киши ташриф буюриши кутилмоқда. Хорижий меҳмонларни аэропорт ва вокзалларда қиройли кийинган йигит-қизлар — қўнгилли ёрдамчилар кутиб оладилар ва кузатиб қўядилар. Уларнинг барчаси чет тилларни пухта ўзлаштирган ҳамда махсус тайёргарликдан ўтган. Бунда асосий вазифа меҳмонларга йўл-йўриқ беришгина эмас, балки меҳмон-хоналарга жойлаштиришда, божхонадан ўтказишда ҳам ёрдам кўрсатиш ҳисобланади. Қўнгиллилар тамоман бепул ишлашларини ҳам қайд этиш лозим.

Қурут-шаҳар Олимпиада руҳи билан яшай бошлаганига анча бўлди. Мусобақалар тобора яқинла-

шаётгани ҳар қадамда сезилади. Махсус темир йўл ва автобус йўналишлари ишлаб турибди. Авиабаровлар жадвали ҳам мусобақаларга мослаб қайта қўриб чиқилди.

Қишки Олимпиада-2014 уйинларининг бориши жаҳон миқёсида матбуот, радио ва телевидениеда кенг ёритилади. Социдан ташкил этиладиган кўрсатувларни дунёнинг энг олис бурчакларида ҳам томоша қилиш мумкин бўлади. Ҳатто Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Нью-Йоркдаги қароргоҳида мусобақалар бевосита олиб кўрсатилади.

Дарвоқе, Сочидаги қишки Олимпиадада ўзбекистонлик спортчиларнинг қатнашуви ҳақида. Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитаси матбуот хизматида маълум қилишларича, Миша Ге (фигурали учаш), Артём Воронцов ва Ксения Григорьева (тоғ чанғиси) бўйича мазкур мусобақаларга тайёргарлик кўрмоқдалар. Албатта, уларга муваффақият тилаб қоламиз.

Нурбек АБДУЛЛАЕВ,
«Туркистон-пресс»

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ очик аукцион савдоларига таклиф этади!

«Capital Realtor Group» МЧЖда 2014 йил 11 март кунини соат 11:00 да бўлиб ўтадиган объект бошланғич баҳоси охири бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

1. Суд департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан, Жиноят ишлари бўйича Юнусобод туман судининг 2013 йил 21 август кунги 403/13-сонли ижро варақасига асосан хатланган қуйидаги кўчмас мулклар савдога қўйилган:

1. Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, А.Қаҳҳор кўчаси, 2-уйда жойлашган, умумий майдони 11 571,0 кв.м. бўлган, қурилиши тугалланмаган нотурар ва турар жой бинолари. Бошланғич нархи — 56 897 906 629 сўм.

2. Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Олтин водий 2-берк кўчаси, 59-уйда жойлашган, умумий ер майдони 19 992,0 кв.м. бўлган нотурар жой. Бошланғич нархи — 3 239 768 715 сўм.

3. Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Ойбек кўчасида жойлашган, умумий ер майдони 1,84 га бўлган, қурилиши тугалланмаган «Болалар спорт соғломлаштириш мажмуаси». Бошланғич нархи — 674 274 672 сўм.

2014 йил 25 февраль кунини соат 11:00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда:

II. Суд Департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2011 йил 21 октябрдаги 1-531/2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган қуйидаги кўчмас мулклар такроран савдога қўйилган:

1. Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани, Олтинтепа кўчаси, 202-уйда жойлашган, умумий майдони 184,2 м.кв. бўлган, пишиқ гиштдан қурилган уй-жой. Бошланғич нархи — 355 817 000 сўм.

2. Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани, Анжиробод кўчаси, 7-уйда жойлашган, умумий майдони 517,0 м.кв. бўлган, пишиқ гиштдан қурилган уй-жой. Бошланғич нархи — 156 925 000 сўм.

3. Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани, Анжиробод кўчаси, 10-уйда жойлашган, умумий ер майдони 501,0 м.кв. бўлган, 5 та хонадан иборат пишиқ гиштдан қурилган уй-жой. Бошланғич нархи — 362 031 000 сўм.

4. Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани, Подшобог кўчаси, 61-63-уйларда жойлашган, умумий майдони 1090,0 м.кв. бўлган, пишиқ гиштдан қурилган 2 қаватли уй-жой. Бошланғич нархи — 1 900 129 000 сўм.

5. Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани, Қўрай 1-тор (аввалги М.Жалил) кўчаси, 4-уйда жойлашган, умумий майдони 351,0 м.кв. бўлган, пишиқ гиштдан қурилган уй-жой. Бошланғич нархи — 322 729 000 сўм.

6. Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани, Анжиробод кўчаси, 12-уйда жойлашган, умумий майдони 329,0 м.кв. бўлган, пишиқ гиштдан қурилган уй-жой. Бошланғич нархи — 185 948 000 сўм.

7. Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани, 1-тор Мирҳосилбой кўчаси, 16-уйда жойлашган, умумий майдони 336,0 м.кв. бўлган, пишиқ гиштдан қурилган уй-жой. Бошланғич нархи — 315 873 000 сўм.

8. Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани, Мирҳосилбой кўчаси, 20-уйда жойлашган, умумий майдони 341,1 м.кв. бўлган, пишиқ гиштдан қурилган уй-жой. Бошланғич нархи — 353 568 000 сўм.

9. Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани, Шаллола кўчаси, 30-уйда жойлашган, умумий майдони 454,0 м.кв. бўлган, пишиқ гиштдан қурилган уй-жой. Бошланғич нархи — 202 844 000 сўм.

10. Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани, Олтинтепа кўчаси, 382-уйда жойлашган, умумий майдони 817,0 м.кв. бўлган, пишиқ гиштдан қурилган уй-жой. Бошланғич нархи — 348 190 000 сўм.

11. Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани, Анжиробод кўчаси, 8-уйда жойлашган, умумий майдони 794,0 м.кв. бўлган, пишиқ гиштдан қурилган уй-жой. Бошланғич нархи — 280 707 000 сўм.

III. Шайхонтохур туман СИБ томонидан, Фуқаролик ишлари бўйича Шайхонтохур туманлараро судининг 2013 йил 2 сентябрдаги 1-4382/13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чилонзор даҳаси, Д20-қават, 15-уйда жойлашган, умумий майдони 66 м.кв. бўлган, бир қаватли офис. Бошланғич нархи — 62 500 000 сўм.

Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар ҳафтанинг расмий иш кўнлари соат 10:00 дан 18:00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишига бир иш кунини қолганда соат 18:00 да тўхтаилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 10% миқдоридан кам бўлмаган заковат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — «Capital Realtor Group» МЧЖнинг «Капиталбанк» ОАТБ Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: № 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

Манзил: Тошкент шаҳри, Қўшбеги кўчаси, 18-уй. Телефон: (8371) 250-19-24. Лицензия: № RR-0017.

Шайхонтохур тумани ҳокимияти Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциясида 2013 йил 6 майда 0069720-09 сон билан рўйхатга олинган «SHARQ KAOLA» масъулияти чекланган жамияти, жамият иштирокчиларининг 2014 йил 20 январдаги йиғилиши қарорига асосан, жамиятнинг 614 754 000 сўм миқдоридagi Устав фондини 340 000 000 (уч юз қирқ миллион) сўмга камайтирилганини маълум қилади.

ЎЗГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ

8-10 даража совуқ бўлади.
Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 4 ва эртада 5 фев-

Тошкент шаҳрида 4 февраль кунини ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайд. Кечаси ва эрталаб туман тушиши мумкин. Шимолдан шарққа томон секундида 5-10 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 16-18 қилинмоқда, тағмиқдори даража совуқ, кундузи — паст бўлади.

Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95,
факс: (371) 232-11-39

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамити»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета тахририят компьютер марказида теринди ва саҳифаланди

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ



Бизнинг электрон манзил:
vto2007@mail.uz

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
13075 нусхада босилди.
Қўғоз бичими А-2

Топириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул
Д. Исроил

Босишга топирилди: 14.40

«Шарқ» нашрий-матбаа акциядорлик
компанияси босмаҳонаси. Қорхона
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бosh муҳаррир
Акматали АҚРОМОВ